

ДАҒАЛ ДАЛАЧОЙ ТАРКИБИДАГИ ФЛАВОНОИДЛАРНИ ЎРГАНИШ

З.П.Абдуллаев, В.Н.Абдуллабекова

Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси

Ишнинг мақсади: Ўзбекистонда кенг тарқалган дағал далачойнинг дори шаклларини бошқа далачой турлари каби тиббиёт амалиётига тадбиқ этиш учун таркибидаги флавоноидларни ўрганиш.

Усуллар: спирт, хлороформ, этилацетат ва н-бутанол билан экстракциялаш; юпқа қатлам ва юқори самарали суюқлик хроматография усуллари. Тошкент вилоятида терилган, куритилган ва майдаланган дағал далачойнинг ер устки қисми 70% ли этил спирти ёрдамида таркибидаги биофаол моддалар қолмагунча сувли ҳаммом устида тескари совутгичга улаган ҳолда экстракция қилинди. Ҳосил бўлган аралашма филтрланди, таркибидаги спирт вакуум остида сувли қолдиқ қолгунча ҳайдалди. Қолган сувли қолдиқ кетма-кет хлороформ, этилацетат ва н-бутанол билан экстракцияланди. Олинган ажратмалар вакуум остида қуйилтирилди ва этилацетат-хлороформ-чумоли кислотаси (2:2:1) аралашмасида “юқорига кўтарилувчи” услубда “Sorbfil” ПЭТФ (10x10) УФ-254 (силикагель СТХ-1БЭ) пластинкаларида хромато-графияланди. Хроматограммаларда ҳосил бўлган доғлар УБ-нури остида кўрилди ва уларнинг рангига қараб флавоноидлар гуруҳига ҳослиги ва бунда енг кўп флавоноидлар этилацетатли фракциясига ўтганлиги аниқланди. Флавоноидларни ажратишда “Agilent Technologies” фирмасининг АТ 1100 русумдаги юқори самарали суюқлик хроматографикдан фойдаланилди. Флавоноидлар идентификацияси 3D Chem Station дастури билан таъминланган маълумотлар тўпламидан фойдаланиб амалга оширилди. Ажратиш майдалиқ даражаси 3 мкм бўлган ODS C₁₈ октадецил группалари бириккан силикагель билан тўлдирилган, ички диаметри 4,6 мм, узунлиги 15 см бўлган колонкада 25°C ҳароратда олиб борилди. Қўзғалувчан фаза сифатида 50 мМ фосфатли буфер (рН=3) : метанолдан ташкил топган аралашмадан фойдаланилди (80:20 дан 25:75 гача 25 минут ичида градиентли ўзгаргунча). Детекторлаш $\lambda=254$ нм да олиб борилди. Бунда онлайн режимида 200 дан 400 нм диопазонидаги УБ-спектрлар олинди, улардан кейинчалик кутубхонадаги мавжуд УБ-спектрлар асосида аниқланаётган бирикмаларни идентификациялаш учун фойдаланилди. Намуналар 10 марта метанол билан суюлтирилди, ғоваклари 5 мм бўлган микроғовакли капрон филтр

орқали филътрланди ва кейинчалик автосамплер ёрдамида хроматографга киритилди.

Натижалар: дағал далачойдан олинган этилацетатли ажратма таркибида лютеолин-7 гиперозид, изокверцетин, гиперозид, лютеолин, лютеолин-3'-O-b-O-глюкопироназид, кверцетин, кемпферол, рутин борлиги аниқланди.

Хулосалар: дағал далачойнинг флавоноидлар таркибий қисми тешик далачойнинг таркибига яқинлигини кўрсатди.